СЎНГГИ СОАТДА

"СОҲИБҚИРОН" ҚОРАҚАЛПОҚ САҲНАСИДА

НУКУС. Шоир Абдулла Ориповнинг "Соҳибқирон" шеърий драмаси Бердақ номидаги Қорақалпоқ Давлат мусиқали театри ижодий жамоаси томонидан саҳналаштирилди. Асарни қорақалпоқ тилига таржима қилган Н. Ансатбоев, Қорақалпоғистон халқ рассоми И. Алибеков ва композитор К. Заретдиновлар ўзаро ҳамкорлик қилишди. Бош ролни иқтидорли артист Бозорбой Узоқберганов ижро этган.

Рейимбой **ЕШИМБЕТОВ.**

АКЦИЯГА ИШОНСА БЎЛАДИ

БУХОРО. Темир-бетон буюмлари ишлаб чиқариш ҳиссадорлик жамиятида меҳнат қилаётган 190 киши қўшимча даромадли бўлди. Ҳар бир акцияга 165 сўмдан фойда олинди. 15-20 йил ишлаган кишилар эса имтиёзли равишда 50 ва ундан кўпроқ акция сотиб олган эдилар. Улар бир йўла 20-30 минг сўмлик қўшимча даромад эгаси бўлишди. Корхонада ишлаб чиқариш ҳажми ошиб, ўтган ойлар мобайнида 7 миллион 762 минг сўмлик соф даромад олинди. Шундан 4 миллион 47 минг сўми дивиденд тириқасида тарқатилди.

Даврон **БАҲРОНОВ.**

ВОҚЕАЛАР, ХАБАРЛАР, ЯНГИЛИКЛАР

КУНИГА 80 ТОННА УН

ХОРАЗМ. Боғотда кунига 80 тонна аъло навли ун тайёрланадиган завод фойдаланишга топширилди. "Боғотдонмаҳсулот" ҳиссадорлик жамиятида шу муносабат билан тантанали маросим бўлди. Йиғилишда вилоят ҳокими И. Юсупов иштирок этди.

Қурбон **МУҲАММАДРИЗО.**

ЙИГИРМА ИККИ ТЎЙБОЛА

ЖИЗЗАХ. "Галлаорол" илмий ишлаб чиқариш агрофирмаси санъат саройида Жаҳонгир ва Матлубахон, Гофиржон ва Гулбаҳорларнинг никоҳлари ҳамда йигирма икки нафар тўйболанинг хатнаси ўзига хос байрамга айланди. Тўкин дастурхон атрофидаги келин-куёвлар ва тўйболаларни ота-оналар, агрофирма раиси А. Сулаймонов, Ғўбдин қишлоқ фуқаролар йиғини раиси А. Одилов ва ёрбиродарлар қизғин қутладилар.

Келдиёр **ЖЎРАҚУЛОВ.**

СЎНГГИ СОАТДА

ҚИЗИҚАРЛИ УЧРАШУВ

ТОШКЕНТ. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг жазони ижро этиш бош бошқармасида "Маънавият ва маърифат" дарслари ташкил этилган. Уларда маънавият ва маърифат соҳасида меҳнат қилаётган турли мутахассислар билан суҳбатлар, савол-жавоб кечалари ўтказиб турилади. Яқинда вазирлик ходимлари "Маънавият ва маърифат" республика жамоатчилик маркази миллий қадриятларни тиклаш бўлими мудири, фалсафа фанлари доктори Турғунбой Саксонов билан учрашдилар. Сўзга чиққанлар маънавият ва маърифатимиз равнақининг тарихий илдизлари, қадриятларимизни тиклашнинг аҳамияти ҳақида сўзладилар.

Зиёда **ҒАФФОРОВА.**

СОВҒАГА – "НЕКСИЯ", "ДАМАС" ВА "ТИКО"

НАМАНГАН. Мингбулоқ туманидаги "Фарғона" жамоа хўжалигида биринчи бўлиб пахта тайёрлаш йиллик режаси бажарилиб, минг тоннага яқин "оқ олтин" биринчи навга топширилди.

Бу ерда ҳар беш кунда меҳнат ҳақи тўланмоқда. Чортоқ туманидаги "Ғалабанинг 45 йиллиги" жамоа хўжалиги теримчиси Раҳимахон Турғунова ўтган беш кун учун 1 минг 800 сўм нақд пул санаб олди.

Яна бир янгилик: пахта терими мавсумида сифатли иш ташкил этган туманларга меҳнат мусобақасининг якунига кўра, "Нексия", иккинчи ўринга "Дамас", учинчи ўринга эса "Тико" енгил автомашиналари совға қилинадиган бўлди.

Маҳмуджон **ПАРПИЕВ.**

Ватанни севмак иймондандур!

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Ўзбекистон Халқ демократик партияси газетаси

1996 йил 24 сентябрь, сешанба № 124 (22.045).

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

МАРКАЗИЙ КЕНГАШДА ҚАБУЛ

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгашида БМТнинг жамоат ташкилотлари билан ишлаш бўйича халқаро маслаҳатчиси профессор Я. Курчевский, унинг илтимосига биноан, қабул қилинди.

МК биринчи котиби Абдулҳафиз Жалолов меҳмонга Ўзбекистон ХДП мамлакатимиз тараққиётининг ҳозирги босқичида юртимиздаги демократик ислоҳотларни чуқурлаштиришда, бошқа сиёсий институтлар қатори, яқиндан қатнашаётганлиги, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилишнинг самарали йўл ва воситаларини таъминлаш ишига баҳоли қудрат ҳисса қўшаётганлиги ҳақида сўзлаб берди. У, шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг «Сиёсий партиялар тўғрисида»ги Қонуни лойиҳасининг Олий Мажлис сессияси томонидан биринчи ўқишда қабул қилинганлиги ҳамда унинг кенг жамоатчилик, умумхалқ муҳокамасига қўйилганлиги, Ватанимиздаги мавжуд барча сиёсий партиялар каби, Ўзбекистон ХДП учун ҳам янги имкониятлар яратганлигига эътиборни қаратди.

Меҳмон қабул учун миннатдорчилик изҳор қилди ва Ўзбекистон ХДП Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг мазкур ўзанлардаги тадбирларини бундан буён ҳам қўллаб-қувватлашига имонимиз комил, деб умид билдирди.

Ўзбекистон ХДП МК матбуот маркази.

ЯНГИ ТАРИХИМИЗНИ ЯРАТИШ ЙЎЛИДА

Ўзбекистон халқи ҳаётида содир бўлаётган буюк ўзгаришлар ва унинг жаҳоншумул тарихий аҳамиятини кўрсатиш, мафкуравий маҳдудлик, тарихни сохталаштиришдан озод бўлган ва мутелик руҳиятидан поклaнган, миллий тикланиш, юксак маънавият ғоялари, бой маданий меросимиз, тарихий анъаналаримизни ўзида ифодалаган, умуминсоний қадриятларга ва Ватанга муҳаббат руҳи сингдирилган мустақиллик даврининг янги, ҳақиқий тарихини ёзиш ва ўрганиш шу куннинг долзарб вазифаларидан биридир.

Мамлакатимиз раҳбарининг Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги давлат ва жамият қурилиши академияси қошида «Ўзбекистоннинг янги тарихи» маркази ташкил этиш тўғрисида чиқарган фармойиши ана шу мақсадни кўзда тутади. 21 сентябрь куни академияда ана шу марказ ташкилий гуруҳининг мажлиси бўлиб ўтди. Мажлисда марказнинг асосий мақсад ва вазифалари белгилаб олинди. Улар:

— мустақил Ўзбекистон Республикаси ички ва ташқи ҳаётида содир бўлаётган ўламшумул жараёнлар ва уларнинг жаҳоншумул тарихий аҳамиятини кўрсатиш асосида Ўзбекистоннинг янги тарихини ёзиш ва ўрганишни ташкил этиш;

— Ўзбекистоннинг янги тарихини тайёрлашда умуминсонийлик, тарихийлик, илмийлик ва бошқа умумбашарий тамойилларга асосланиш, ўтмишни сохталаштириш, мафкуравий маҳдудликдан ҳоли бўлган унинг концепциясини ишлаб чиқиш;

—жамиятда юксак маънавий фазилатларни камол топтиришда бой маданий меросимизга, тарихий анъаналаримизга, умуминсоний қадриятларга таянган ҳолда одамларнинг ўзликларини чуқур англашини, мустақилликни теранроқ тушунишини, ҳурлик, мустақиллик руҳининг инсонлар қалбида уйғонишини таъминлаш;

— Ўзбекистон Республикаси сиёсий тизимидаги ўзгаришлар, жамиятнинг сиёсий-ижтимоий, маданий-маърифий, тарихий жараёнларида мавжуд сиёсий институтлар, партиялар, демократик халқ ҳаракатлари фаолиятига доир манбалар, ҳужжатлар ва адабиётларни йиғиш, ўрганиш ҳамда таҳлил этиш;

— Ўзбекистонда эркин, демократик, ҳуқуқий давлат, фуқаролик жамияти қурилишини жаҳон ҳамжамиятидаги тарихий жараёнлар билан боғлиқ ҳолда ёритиш;

— мамлакат халқи ҳаётига доир тарихий жараёнларни ёритишга бағишланган ва Ўзбекистоннинг энг янги тарихига доир адабиётларни таҳлил этиш ҳамда илмий экспертизадан ўтказиш;

—Ўзбекистоннинг мустақиллик даври билан боғлиқ бўлган энг янги тарихини ўзида ифодаловчи ўқув дастурлари, услубий қўлланмалар, дарсликлар тайёрлаш ва уларни турли тилларда чоп этишни йўлга қўйиш;

— Ўзбекистоннинг энг янги тарихини ёзиш ва ўрганиш асосида жамиятда юксак маънавий фазилатларни камол топтириш, Миллий истиқлол мафкурасини шакллантириш, ёшларни тарихий анъаналаримизга, умуминсоний қадриятларга ҳурмат, Ватанга муҳаббат, истиқлол ғояларига садоқат руҳида тарбиялашни амалга ошириш;

— республикада тарихшунослик муаммоларини ўрганиш ва унга йирик тарихчи олимлар, сиёсатшунослар, файласуфлар ва ҳуқуқшуносларни жалб этиш;

—халқаро ва республикадаги оммавий ахборот воситалари орқали Ўзбекистоннинг энг янги тарихини, миллий истиқлол, миллий тикланиш ғояларини кенг тарғиб ва ташвиқ этиш. Дунё халқларига Ўзбекистон ҳақида ҳар томонлама ҳақиқий ахборот, кенг ва чуқур тасаввур беришга қаратилган аниқ тадбирларни амалга оширишдан иборат.

«Ўзбекистон янги тарихи» маркази ташкилий гуруҳи мажлисида Президентнинг Давлат маслаҳатчиси Алишер Азизхўжаев иштирок этди.

(ЎзА).

ТОШКЕНТДА «АСАКА» БАНКИ ОЧИЛДИ

Куни кеча Тошкентда ихтисослаштирилган «Асака» давлат акционерлик-тижорат банкининг тантанали очилиш маросими бўлиб ўтди. Янги Миробод бозори ёнида бунёд этилган бу банк биноси қисқа муддатда қад ростлади.

Айни пайтда мамлакатимизда янги саноат тармоғи — автомобилсозлик саноати дунёга келди. Жанубий Кореянинг «ДЭУ» компанияси билан ҳамкорликда ишга туширилган «ЎзДЭУавто» автомобилсозлик заводи бугунги кунда юксак даражадаги замонавий автомобилларни ишлаб чиқариб, Ўзбекистонимизга, ҳатто қўшни мамлакатларга ҳам етказиб бермоқда. Шуниси қувончлики, ана шу автомобилларга эҳтиёт қисмларнинг 70 фоизи ҳам шу ерда тайёрланаётир. Яқин келажакда барча бутлаш анжомлари ўзимизда ишлаб чиқарила бошланади.

Ана шу бежирим автомобилларни сотиш, завод фаолиятини яхши йўлга қўйиш ва бу соҳада янада ўсишга эришиш учун «Асака» банки ёрдам беради.

(Ўз мухбиримиздан).

АНДИЖОН ШАРБАТИ – РОҲАТИЖОН

Ўзимиздан чиққанига не етсин!

Андижонда яна бир қўшма корхона маҳсулот бера бошлади. Жанубий Кореянинг «Донко» фирмаси билан «Андижон» агрофирмасининг бош корхонаси ҳамкорликда ташкил этган қўшма корхонада олма ва узум шарбатлари бир марта фойдаланадиган қуркам, ихчам идишларга қуйилиб харидорларга тақдим этиляпти.

Агрофирма бош директори, Ўзбекистон Олий Мажлиси депутати Исоқжон Ваҳобов Ўзбекистоннинг сахий қўёшида болга тўлган мева ва узумларнинг дармондорлигига айланган шарбатларини хорижлик ҳамкорлар иштирокидагина харидоргир этиш мумкинлигини билиб, бел боғлади. Жанубий кореялик тадбиркорлар билан алоқа ўрнатдилар. Хорижга мевалар шарбати сотишдан тушган валюта қўшма корхонани таъсис этишга етди. Энг замонавий техник жиҳозлар келтириб ўрнатилди.

Қўшма корхонада ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар харидоргирлигининг сири нимада? Бир марта фойдаланадиган идишлар ғоят чиройли ишланган бўлиб, уларда ўзбек ва инглиз тилларида Андижон тамғаси акс эттирилган. Ҳар бир идишда 250 грамм шарбат бор. Шарбатни татиганлар доимий харидор бўлиб қолади.

Андижон вилояти билан ўзаро ҳамкорлик ўрнатган ярославлликлар олма ва узум шарбатига буюртма бердилар. «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси ҳам олма ва узум шарбатларининг йирик харидорларидан бири.

Юртбошимиз Андижон вилоятида бўлганларида хорижликлар билан доимий ҳамкорлик қилмаган корхоналар ривож топмайди, деб таъкидладилар. Польшаликлар билан ҳамкорликда ташкил этилган қўшма корхона буюртмаси билан вилоят хўжаликларида тузламабоп бодринг уруғлари экилиб яхши ҳосил олинди. Ихчам шиша идишларда қадоқланган тузламалар ҳам харидорини тез топди.

Аҳмадилло СОЛИЕВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.

ТАДБИРКОРЛИК МЕВАСИ

Иқтисодиёт олами

Собиқ марказга қарамлик одамларда чекланган тафаккурни келтириб чиқарган кунларни эсдан чиқариб бўлмайди. Биз тилга олмоқчи бўлган корхонани саксонинчи йилларда қуриш мўлжали бор эди. Аммо ўша йилларда Шаҳрисабз ва Китоб туманлари раҳбарлари: «Давлат ўзи боқади, дон ҳам, ун ҳам келиб турибди», дея қаршилик кўрсатишган экан. Қачонки, истиқлол шамоллари эса бошлаганда кўп йиллик режа амалга оша бошлади.

—Шаҳрисабз дон комбинати қурилиши бошланганига беш йилдан ошганди, — дейди «Қашқадарёумумқурилиш» жамоа корхонасининг III-кўчма ташкилоти бошлиғи Ҳалим Маманазаров. — Маблағ, қурилиш ашёлари етишмаганидан ишда силжиш бўлмай келди. Фақат бир йил ичида катта бунёдкорлик ишларини бажаришга, қарийб шартнома баҳоларида 200 миллион сўмлик маблағни ўзлаштиришга муваффақ бўлдик. Қурилишнинг дастлабки босқичи тугалланди. Олтмиш метр баландликдаги 18 минг тонна дон сиғимига эга бўлган элеватор, электр подстанцияси, темир йўл хўжалиги, 2 та тарози, маъмурий бино, бошқарув пульти каби ўнга яқин объектлар ишга тушириляпти. Бу жойда барча иш жараёнлари компьютер ёрдамида бошқарилади. Ускуналарни Швейцариянинг фирмаси ҳамда Россиянинг қўшма корхонаси мутахассислари ўрнатдилар.

— Қурилиш давом этяпти, — дейди комбинат бошлиғи Акбар Темиров. — Бир кеча-кундузда 100 тонна ун тортиш қувватига эга тегирмон қурилади. Кунига 4 тонна нон тайёрлаш қувватига эга бўлган кичик корхона қуриш ҳам режага кирган.

Ҳа, комбинат истиқболли корхона. Донни асраш, ун тортиш, нон пишириш ва бошқа юмушлар узлуксиз бажарилади. Энг муҳими, йил сайин дон етиштиришни кўпайтириб бораётган шаҳрисабзликлар маҳсулотни бошқа жойларга ташиб овора бўлишмайди.

Юнус УЗОҚОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.

МАРКАЗИЙ ОСИЁДА БИРИНЧИ

ФАРҒОНА. «Ўзнефтниқайтаишлаш» давлат ишлаб чиқариш бирлашмаси «Ферсол» ва «Ферлита» номли техник мойларни ишлаб чиқариш бўйича янги қурилмани ишга туширди. Бу техник мойларни ишлаб чиқариш Марказий Осиёда биринчи марта ўзлаштирилди. Мойлар ташқи бозорда илгариги мойлардан сифати юқорилиги билан ажралиб туради. Японияннинг «Мицуи Энд Ко Лтд» фирмаси билан дизель ёнилғисининг рақобатдошлигини ошириш бўйича кенг кўламли ишлар олиб борилмоқда. Франция ва АҚШнинг қатор фирмалари билан биргаликда эса жаҳон бозорига юқори сифатли мотор мойлари олиб чиқариш юзасидан ҳамкорлик давом этмоқда.

А. ИБОДИНОВ.

ҚИШЛОҚДА ЯНГИ ГУЗАР

ҚАШҚАДАРЁ. Касби туманидаги Сайидо Насафий номли жамоа-ширкат хўжалигига қарашли Майманоқ қишлоғининг «Янги гузар»ини атай бориб кўрдик. Яқинда фойдаланишга топширилган биноларда ҳамма қулайликлар бор. Чойхона, савдо расталари, сартарошхона ва бошқа маиший хизмат тизимлари ишлаб турибди. Кичкина бозорчада томорқаларда етиштирилган маҳсулотлар сотилмоқда. Аҳолига хизмат кўрсатиш учун ҳар томонлама қулай бўлган бундай гузарларни бошқа қишлоқларда ҳам қуриш режалаштирилмоқда.

У. ЮНУСОВ.

ГАЗ ЁҚАДИ-Ю, ПУЛИ... ЧАҚАДИМИ?

•Луқма

Ҳиммат опа ҳали замон турмуш ўртоғи ишдан ҳориб келишини билиб унга чой, овқат тайёрлаб қўйиш ниятида ошхонага газ плитаси олдига бориб гугурт чақди, газ ёнмагач, жиғибийрони чиқиб ўйланди. Кейин ўзидан-ўзи э, эсим қурсин газ пулини уч йилдан буён тўламаганим сабабли газ тармоқдан узиб қўйилган, деб эслаб қолди.

Кўп вақт ўтмай Ғиждувон туман газ таъминоти корхонасининг назоратчилари газ пулини ўз вақтида тўламаган фуқароларнинг уйларини текшириб кўрганда, Ҳиммат опа Хўжаевага ўхшаган газ пулини 2-3 йиллаб тўламаган қарздорларнинг дами ичига тушиб кетди.

1996 йилнинг 8 ойида газ таъминоти корхонаси туман аҳолисига режадаги 96 миллион 850 минг кубометр ўрнига 136 миллион 532 минг кубометр газни реализация қилган бўлса-да, корхона фойда ўрнига зарар кўрган. Масалан, тумандаги А. Ғиждувоний номли жамоа хўжалиги 390261 сўм, Ибн Сино номли жамоа хўжалиги (раиси У. Раҳматуллаев) бир миллион 94 минг сўм, С. Жабборов номли жамоа хўжалиги (раиси Олим Турдиев) 232 минг сўм, 33-автокорхона (директори Амин Сафаров) 153 минг сўм, иссиқлик манбаи корхонаси (бошлиғи А. Ҳафизов) 231 минг сўм, 206 қурилиш ташкилоти (Бахтиёр Нусратов) 82 минг сўмлик қарз бўлганлар. Юқорида номлари тилга олинган жамоа хўжаликларининг раислари ва корхона ҳамда ташкилотларнинг бошлиқлари газ пулини 2-3 йил мобайнида тўламасдан бекиниб юрибдилар.

Шунингдек, Ғиждувон шаҳридаги Навбаҳор кўчаси, 33-уйда яшовчи Нусрат Ҳаитов 3000 сўм, Навоий кўчаси, 49-уйда яшовчи М. Шомуродова 2700 сўмлик газ пулларини анчадан буён тўламасдан юрибдилар. Бундай кишиларга қарата газ ёқади-ю, пули чақадими, дегинг келади.

Тоҳир МАҚСУДОВ, «Ўзбекистон овози» жамоатчи мухбири.

«СЎҒДИЁНА» ИСПАНИЯДА ҒОЛИБ БЎЛДИ

Ҳар бир халқнинг дунёга танилишида санъат ва маданиятнинг таъсири ғоят катта. Юртимиз мустақилликка эришгандан кейин ўзбек миллий санъатининг ривожига ҳам алоҳида эътибор берила бошланди. Янги-янги ансамбллар тузилиб, миллий санъатимиз шуҳрати ёйила бошлади. Шундай жамоалардан бири «Сўғдиёна»дир.

Мухтор Ашрафий номидаги Тошкент Давлат консерваторияси доценти Феруза Абдураҳмонова бошчилигидаги ансамбль яқинда Испанияда ўтказилган халқаро фестивалда иштирок этиб, ғолиб бўлди. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Абдухалил Абдуқодиров, Марям Сатторова, Дилором Мирзаевалар ижросидаги қуй-қўшиқлар испанларни мафтун этди. Айниқса, Абдухалил Абдуқодиров испанча қўшиқлар қуйлаганда унга ҳамма жўр бўлди.

Сайёра ШОДИЕВА.



Ўзбекистон супермаркетлари.

Муҳаммад АМИН олган сурат.

«Сиёсий партиялар тўғрисида»ги Қонун лойиҳаси муҳокамада

ДЕМОКРАТИЯНИНГ ПОЙДОР БЕЛГИСИ

Мустақил Ўзбекистон, истибдод асоратларидан астасекин қутулиб бориб, юртимизда замонавий, демократик, адолатли, ҳуқуқий ижтимоий тузум — фуқаролик жамияти ва тегишли тарздаги давлат бошқаруви тизимини изчил қарор топтириш йўлидан дадил бормоқда.

Мазкур йўлнинг босиб ўтилган дастлабки беш йили мамлакатимиз, унинг халқи ва раҳбарияти тарихий анианаларимиз, шарқона удумлар, жаҳон ижтимоий тараққиёти, сиёсий амалиёти ҳамда фикри мантиғи ўзанларида ҳаракат қилаётганлигидан яққол далолат бермоқда. Диёримизда ҳукм сураётган барқарорлик, тинчлик, осойишталик фуқаролар тотувлиги ва миллий якдиллик—машаққатли, қийин ўтиш даврида ҳар бир халқ, миллат, давлат орзу қиладиган катта ютуқ, беқиёс бойлик, улкан натижадир. Зеро, буларсиз ҳар қандай олижаноб ниятлар, ислоҳотлар, туб иқтисодий, ижтимоий, маънавий, маданий, сиёсий ўзгаришлар поймол қилинадилар, барбод бўладилар.

Халқимизда: «Жўжани кузда санайдилар» ёки «Яхши от кейин чопади, аммо, маррага биринчи бўлиб келади», деган доно мақоллар бор. Даставвал, Ўзбекистонни «консерватизмда» айблаган, собиқ Иттифоқ минтақасида пайдо бўлган давлатлардаги «демократик» ўзгаришлардан «ортда қолаётганлиги» ҳақида бонг урган турли-туман доиралар, эндиликда, танлаган йўлимизнинг тўғри эканлигини эътироф этишга мажбур бўлмоқдалар.

Биз бу билан фахрлансакда, эришилган натижалар, ютуқлардан эсанкирашдан йироқмиз. Чунки, ҳали олдимизда аввалгиларидан ҳам масъулиятлироқ, мураккаброқ муаммолар турибди. Биз кўзланган истиқболли маррага эришишнинг пойдеворинигина қўйдик, холос. Эндиги вазифа—ўзимиз яшамоқчи бўлган кўркам инсоний жамиятнинг муҳташам биносини охиригача қуриб битказиш. Ушбу бинони қуришда — унда яшамоқни истаганларнинг барчасини, мазкур қурилиш ишида, фаол, онгли тарзда иштирок этиши лозимлигини англаш ўта муҳимдир.

Мамлакатимиз бошидан кечираётган ўтиш даврида бутун ижтимоий ҳаракатимиз таянган тамойиллардан бири — давлатнинг бош ислоҳотчи эканлигини эътироф этилганлиги ҳамда бунга изчил риоя қилинаётганлигидир.

Бироқ, бу ҳол сиёсий жараённинг бошқа соҳиблари — партиялар, жамоат ташкилотлари фаолиятини асло чеккага сурмайди, аксинча, унинг аҳамиятини янада оширади. Зеро, давлат бошқаруви идоралари ўзларининг халқ оммаси ичидаги илдизларининг нақадар кенг қулоч ёзганлиги билан ҳам кучли, таъсирчан ва истиқболлидирлар.

Юртбошимиз—Ўзбекистон Президенти И. А. Каримов мамлакатимиз парламенти—Олий Мажлис олтинчи сессияси минбаридан сўзлаган нутқларида жамиятимиз олдида ҳозирги босқичда турган вазифаларга алоҳида тўхталиб, уларни муваффақиятли амалга оширилиши, кўп жиҳатдан, демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштиришга боғлиқ эканлигини уқтирдилар. Жумладан, у киши таъкидладиларки, **«сиёсий тизимни ривожлантиришдаги қолоқлик иқтисодий ислоҳотларни изчил ўтказишда, иқтисодий юксалишни таъминлашда жиддий ғов, тўсиқ бўлиши мумкин. Бунинг устига демократлаштириш иқтисодиётнигина эмас, турмушимизнинг барча соҳаларини янада ислоҳ қилишда муҳим омил бўлиб қолади».**

Бунинг сабаблари, асосан, қуйидагилардан иборат:

Биринчидан, ижтимоий ҳаётнинг, кишилар турмуш шароитларининг бирон-бир соҳаси йўқки, қайсиким улар сиёсатнинг, у ёки бу тарздаги, таъсирини ҳис этмасалар. Ҳатто, давлатнинг бевосита аралашувини истисно этувчи фуқаролик жамияти ҳам мамлакат, унинг халқи сиёсий маданиятининг муайян даражасидан ўзга нарса эмас.

Иккинчидан, давлат деган нарса, ижтимоий-сиёсий ҳодиса сифатида, пайдо бўлибдики, у, ўзининг нақадар кучли, қудратли, жамият сиёсий тизимининг етакчи бўғини бўлишига қарамай, амалий жиҳатдан, ҳеч қачон сиёсий жараённинг танҳо, якка-ю ягона соҳиби бўлган эмас. Боз устига, гап демократик тартиботларга онгли равишда таянувчи ижтимоий-сиёсий тузум, давлат тўғрисида кетадиган бўлса, бу қоида юз минг чандон тўғридир.

Шу муносабат билан давлатимиз бошлиғи мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада ривожлантиришга дахлдор, бир-бири билан ўзаро боғлиқ, қатор соҳалар хусусида алоҳида тўхталдилар.

Булар, асосан: — инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя этиш, сиёсий партиялар фаолиятлари, суд тизимларини, оммавий ахборот воситалари ишини замона, яъни асл, чинакам демократия талаблари даражасига кўтариш кабилардир.

Демократия, сиёсий ҳаёт тушунчаси сифатида, кўп қиррали маъно ва мазмунга эга. Мазкур ўринда, биз, унинг сиёсий партиянинг демократик жамият доирасидаги ўрни ҳамда аҳамияти орқали намоён бўладиган жиҳатларига диққат-эътиборни қаратмоқчимиз.

Ўзбекистонда қарор топаётган демократик тартиботлар, мутлақо ҳақли равишда, сиёсий кўппартиялилик, унинг самарали шаклланиши ва тўлақонли фаолият кўрсатиши билан боғланмоқда, бунинг зарурий чора-тадбирлари кўрилмоқда. Кўппартиялилик, сиёсий демократиянинг туб тамойили сифатида. Асосий Қонунимиз — Ўзбекистон Конституциясидан тортиб, то Сайловлар, Олий Мажлис, Жамоат ташкилотлари тўғрисидаги қонунларгача, бизда расман белгилаб қўйилган.

Бироқ, ҳаётимизда рўй бераётган шиддатли ижтимоий-сиёсий жараёнлар жамоат ташкилотлари, хусусан, сиёсий партияларнинг, уларнинг давлат ҳокимияти, унинг фаолиятига самарали таъсир кўрсатиши лозимлиги эҳтиёжларидан келиб чиққан ҳолда, нуфузини янада оширишни, бунга оид қонуний-ҳуқуқий заминни такомиллаштиришни тақозо этмоқда.

Ушбу ҳолатни теран англаган юртбошимизнинг мутлақо тўғри кўрсатиб ўтишларича: **«Шуни яхши уқиб олишимиз керакки, жамиятимиз тузилмаларида мувозанатни сақлайдиган кучли оммавий, жамоат бирлашмалари бўлмас экан, давлат ҳокимиятининг барча бўғинларида ўзбошимчалик, волюнтаризм, авторитар тафаккур ва бошқарув аппаратининг коррупцияси сингари, иллатлар бўлмаслигига жиддий кафолат ҳам бўлмайди».**

Жаҳон сиёсий амалиёти ва фикри тараққиётининг яққол далолат беришича, давлат идоралари фаолиятига, халқ оммаси эҳтиёжлари, манфаатлари нуқтаи назаридан келиб чиқиб, таъсир ўтказиш борасида сиёсий партиялар алоҳида устуворлик касб этадилар. Чунки, улар, амалда, давлат, сиёсат, сиёсий жараён каби ижтимоий ҳодисаларнинг ҳаётий хусусияти билан тўппа-тўғри боғлиқ ҳолда пайдо бўлганлар ва ўзларининг илк, ибтидоий шаклларидан тортиб, то замонавий кўринишларигача, давлат ҳокимиятидан иқтисодий, ижтимоий, маънавий муаммоларни ҳал этиш воситаси сифатида фойдаланишга уриниб келганлар.

Феодализмнинг барҳам топиши, Янги даврда демократик тартиботларнинг жорий қилиниши боис, давлат ҳокимиятини фуқаролар томонидан сайлов йўли орқали шакллантириш имконияти пайдо бўлди. Сиёсий партиялар, эндиликда, давлат ҳокимиятини демократик йўл билан эгаллаш, ушлаб туриш ва ундан фойдаланишнинг самарали ташкилий шакли сифатида ўзларини намоён қилдилар.

Сиёсий партиялар XIX асрда, илғор мамлакатларнинг умуммиллий тузилмалари тарзида, таркиб топган бўлсалар, улар асримизнинг ўрталарига келиб, конституциявий йўл билан қонунан расмийлаштирилдилар.

Ўзбекистон Республикасининг **«Сиёсий партиялар тўғрисида»**ги Қонуни лойиҳасининг Олий Мажлис томонидан биринчи ўқишда кўриб чиқилиши ва уни кенг жамоатчилик муҳокамасига қўйилиши жамиятимизни том маънодаги демократия сари яна бир бор дадил қадам қўяётганининг ўзига хос нишонасидир.

Бунинг, Ўзбекистонда ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятини бунёд этишга қаратилган демократик ислоҳотларни чуқурлаштириш борасидаги саъйи-ҳаракатлар доирасида, **ўта муҳим аҳамиятга** эгалиги мутлақо шубҳасиз.

Ривожланган мамлакатлар тажрибаси шуни кўрсатмоқдаки, сиёсий партиялар халқнинг сиёсий хоҳиш-иродасини шакллантириш, жамоатчилик манфаатларини, жамиятнинг демократик институтлари орқали, ифодалаш ва рўёбга чиқариш йўлида фуқароларни уюштиришнинг ташкилий жиҳатдан умумэътироф этилган шаклидир.

Шу боис, жамиятда, қонун йўли билан, сиёсий партияларнинг ўрни, мақоми, асосий ҳуқуқлари ва сиёсий масъулиятини аниқ белгилаш, уларнинг ўз дастурий мақсадларини амалга ошириш имкониятларини **расмий кафолатлаш заруратининг туғилиши турган гап, албатта.**

«Сиёсий партиялар тўғрисида»ги Қонун лойиҳаси устидаги иш бизда, **бўм-бўш ерда бошланганги йўқ.** Мустақил Ўзбекистоннинг қонун яратувчилик фаолияти амалиётида ҳам, ижтимоий ҳаётида ҳам мамлакатда сиёсий фикрлар хилма-хиллигини ривожлантириш ва чинакам кўппартиялиликни қарор топтиришга қаратилган бир қатор аниқ-равшан, муайян қадамлар қўйилганлиги бугун ҳаммага маълум.

Энг аввало, шуни айтиш керакки, давлатимизнинг **Асосий Қонунида** Ўзбекистон фуқароларининг **сиёсий партияга бирлашиш ҳуқуқлари мустаҳкамлаб қўйилган,** бунинг тегишли кафолатлари берилган.

Бу ҳол сайловлар тўғрисида қабул қилинган ва барча даражадаги давлат ҳокимияти вакиллик идоралари бугунги кунда амал қилаётган **махсус қонунларда янада ривожлантирилди.**

«Сиёсий партиялар тўғрисида»ги Қонун лойиҳаси юртимизда демократияни, сиёсий фикрлар хилма-хиллиги ва асл кўппартиялиликни ривожлантириш учун ҳуқуқий асосларни яратиш йўлида қўйилган янги одимдир.

Қонун лойиҳасида сиёсий партияларни **тузиш** ва уларнинг **фаолиятини йўлга қўйиш,** партияларни ташкил этиш, **уларнинг низомларини рўйхатга олишнинг** аниқ-равшан воситалари белгиланган. Унда сиёсий партияларнинг кенг қамровли **асосий ҳуқуқлари кўрсатилган,** сиёсий партиялар **фракцияларининг фаолият кўрсатиши** йўли ҳамда воситаларини белгиловчи моддалар кўзда тутилган.

Умуман олганда, Лойиҳа, сиёсий партияларнинг мамлакатимиздаги фаолиятига доир, тегишли конституциявий қоидаларни ривожлантириш ва равшанлаштириш талабларига, асосан, жавоб беради.

Шу билан бирга, мазкур ҳужжат устидаги ишни давом эттириш билан боғлиқ бир қатор истакларимиз борки, фикримизча, улар ҳақида мулоҳаза юритиш таъбири жоиздир.

Биз, Лойиҳада кўзда тутилганларга қўшимча равишда, қуйидаги ҳолатларга эътиборни қаратмоқни хоҳлардик:

Биринчидан, назаримизда, Лойиҳа устидаги ишни давом эттириш жараёнида парламентчилик демократияси ривожланган мамлакатларнинг бой тажрибасига кўпроқ таянмоқ лозим. Табиийки, **бу ўринда гап хорижий тажрибани кўр-кўрона қабул қилиш ва уни воқелигимизга шундайлигича татбиқ этиш ҳақида бораётгани йўқ.** Айни пайтда, бу борада муайян қоидалар борки, улар жаҳон ҳамжамиятида демократия, кўппартиялилик ва сиёсий фикрлар хилма-хиллигининг ўзига хос халқаро андозалари ҳисобланади. Уларга биноан, партияларсиз демократия, демократиясиз— партияларнинг бўлиши мумкин эмас.

Иккинчидан, авваламбор, партиялар сиёсий-ҳуқуқий мақомини аниқ белгилаш лозим.

Сиёсий партиялар тўғрисидаги тушунчада **(1-модда) уларнинг ҳозирги замон демократиясининг муҳим аломатини ташкил этишларини алоҳида таъкидлаш ва партиялар, мадомики, давлат ҳокимияти масалаларида ўзаро рақобатлашар эканлар, демак, мамлакат бутун халқининг бунга оид сиёсий хоҳиш-иродасини шакллантириш ҳамда уни амалга оширишда** уларнинг беқиёс аҳамиятга эга эканликларини қайд этиш тўғри бўлар эди.

Учинчидан, халқ аҳолининг айни турли ижтимоий қатламлари ва гуруҳларидан ташкил топади. Барча маърифатли мамлакатларда партиялар аҳоли қандайдир қисмининг эмас, балки, бутун аҳоли, бутун халқ манфаатларини, демократик сайловлар йўли билан, давлат ҳокимиятини эгаллаш орқали, ифодалаш ва, кейинчалик, бу ҳокимиятдан ўзларининг дастурий мақсадларини рўёбга чиқариш учун фойдаланиш ниятида тузилади.

Мабодо, биз, Лойиҳадагидек, «Сиёсий партия — ... жамият муайян **қисмининг** давлат ҳокимиятини шакллантиришдан иборат сиёсий иродасини рўёбга чиқаришга интилувчи ҳамда ўз вакиллари орқали давлат ва жамоат ишларини идора этишда қатнашувчи Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг кўнгилли бирлашмасидир», деядирган бўлсак, у ҳолда, бир савол туғилади. Яъни, агар, партия сўзи, луғавий маънода, «қисм»ни англатса ва унинг ўзи яна «қисм»нинг иродасини ифода этса, унда қайси партия қайси «қисм»нинг манфаатлари учун курашади? Албатта, жамиятда, муайян ижтимоий қатламлар, уларнинг тегишли тор манфаатларини қондириш йўлида фаолият кўрсатишга бел боғлаган партиялар ҳам бўладилар. Бироқ, улар мумтоз маънодаги, демократик жамият сиёсий ҳаётида ҳал қилувчи даражада аҳамият касб этувчи, партиялар ҳисобланмайдилар. Бундай партиялар, одатда, йирик, ҳатто, уларнинг номлари (ишчилар, деҳқонлар, саноатчилар, аёллар «яшиллар» ва ҳ.) қандай бўлишлигидан қатъий назар, бутун халқ манфаатларини ифода этишга даъво қилувчи, мамлакат сиёсий ҳаёти доирасида асосий ўринни тутувчи, партиялар ўртасида «бўш» қолган жойларни эгаллаш билан кифояланувчи, «оралиқ» партиялар ҳисобланадилар. Ахир, партиялар ҳам, бамисоли Президент каби, сайловлар натижасида ҳокимият тепасига келгандан кейин, нафақат унинг учун сайловда овоз берганларнинг, балки, унга қарши бўлганларнинг ҳам манфаатларини ифода этадилар-ку! Халқ партиялар томонидан «қисмларга» бўлиб олинмайди. Ҳар қайси сиёсий куч уни ҳар бир фуқаро, бутун халқ қўллаб-қувватлаши учун кураш олиб боради. Бунда у нимага эришганлигини фақат сайловлар натижаси кўрсатади. Муҳими шундаки, ҳатто, ушбу натижалар ҳам у ёки бу партия айни қайси «қисм»нинг овозига эга бўлганлигини аниқ кўрсата олмайди, яъни бу нарса, умуман, ноаниқ бўлиб қолаверади. Мазкур ҳолат ёпиқ-яширин овоз бериш тизими учун мутлақо табиийдир.

Тўртинчидан, Лойиҳанинг 12-моддаси (Сиёсий партияларнинг ҳуқуқлари) қоидасининг мазмуни, **бизнингча, бирмунча торайтириб юборилган.** Унга кўра, сиёсий партиялар **«сайлаб қўйиладиган давлат идораларидаги ўз вакиллари орқали тегишли қарорларни тайёрлашда иштирок этиш» ҳуқуқига эгадирлир. Хўш, кейинчи?** Партиялар фаолиятига доир, уларнинг масъулиятлари сирасига кирадиган масалалар бўйича, сиёсий раҳнамолик ва назоратчилик вазифалари қаёқда қолди? Наҳотки, партиялар мутасадди бўлган соҳаларга нисбатан уларнинг ўзларини раҳбарлик ҳамда назоратчилик қилишлари ортиқча нарса бўлса?!

Бундай таъриф, энг аввало, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 60-моддасига бирмунча номутаносибдир. Чунки, унга мувофиқ, сиёсий партиялар **«... ўзларининг демократик йўл билан сайлаб қўйилган вакиллари орқали давлат ҳокимиятини тузишда иштирок этадилар». Мазкур Қонун** лойиҳаси тегишли конституциявий қоидаларни ривожлантириш ўрнига уларнинг таъсир кучини, Конституциямизда белгилаб қўйилганидан, **чеклаб қўядиган бўлса, тўғри бўлармикин?**

Шуни қайд этиш керакки, Ўзбекистон Президенти бу борада, ҳукуматнинг, мамлакат парламентида турли сиёсий партияларнинг намояндалари борлигини ҳисобга олган ҳолда, янги таркибини шакллантириб, юқоридаги қоидани ривожлантиришда **муҳим амалий қадамлар қўйди.**

Хуллас, биз Лойиҳанинг 12-моддасини қайта ишлашни таклиф этамиз. Унда сиёсий партияларнинг давлат ва жамият ишларини бошқаришда иштирок этиши уларнинг, республика ва маҳаллий идоралари тимсолида, ўз номзодларини сайловларда депутатликка, шунингдек, кейинчалик, депутатлар фракциялари ва партия гуруҳлари орқали давлат ҳокимияти вакиллик, ижроия ва суд идораларидаги тегишли масъул лавозимларга сайланиш ёнинки тайинланиш учун тавсия қилиш каби ҳуқуқлари кўзда тутилишини таклиф қиламиз.

Зеро, мазкур ҳол сиёсий партияларнинг давлат ҳокимияти барча тармоқлари идораларини тузишдаги иштирокини аниқ-равшан қилади. Шу муносабат билан парламент ва маҳаллий ҳокимият вакиллик идораларидаги кўпчилик ва озчилик ўринларни эгаллаган партияларнинг ҳуқуқий мақомлари ҳам тегишли равишда, белгилаб қўйилса, мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Бешинчидан, маълумки, партияларнинг парламентдаги **фракциячилик фаолияти,** давлат ҳокимияти тизимида, уларнинг сиёсатини рўёбга чиқарилишини таъминловчи ўта **муҳим,** ҳатто, **асосий восита ҳисобланади.**

Шу сабабли, 13-моддада **«Партия фракцияси — Олий Мажлиснинг, унинг жойлардаги фракция ёки гуруҳлари — давлат ҳокимияти тегишли вакиллик идораларининг асосий ташкилий-сиёсий тузилмасидир»,** — деб аниқлаштирилиши ва ушбу қоида уларнинг бундан келиб чиқадиган мақомлари тўғрисидаги махсус ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар билан мустаҳкамланиши даркор.

Олтинчидан, сайловлар ҳақидаги қонунларда сиёсий партияларнинг жамоат ташкилотлари ва ҳаракатлари билан, депутатликка номзодларни биргаликда қўллаб-қувватлаш бўйича, сайловолди битимлари тузиши мумкинлиги кўзда тутилган. «Сиёсий партиялар тўғрисида»ги Қонуннинг тегишли қоидаси, партияларнинг, мана шундай битимларда ўз зиммаларига олган мажбуриятларини бажаришларининг аниқ мурватлари кўрсатилган, ҳуқуқлари билан тўлдириб, ривожлантирилса, тўғри бўлур эди.

Мазкур муҳокамага энг юксак сиёсий масъулият билан ёндошиш айни муддаодир. Зеро, гап бу ерда ўта муҳим сиёсий-ҳуқуқий ҳужжат ҳақида кетмоқда. Чунки, у, қабул қилингандан сўнг, биринчидан, Ўзбекистонни демократик йўлдан олға қараб ҳаракатланишининг асосий йўналишларини, кўп жиҳатдан, белгилаб беради. Иккинчидан, мазкур ҳужжатнинг жаҳон ҳамжамияти диққат-эътиборини ўзига тортиши ва унга, умуман, катта қизиқиш билан қаралиши мутлақо табиийдир.

Партиямиз бошланган муҳокамада фаол қатнашишни режалаштирган. Бу ҳақда МК нинг махсус қарори қабул қилинган. Ишончимиз комилки, унда барча сиёсий партиялар, жамоат ташкилотлари, аҳоли кенг қатламларининг фаоллик ва манфаатдорлик билан иштироки мамлакат фуқаролари фикр-мулоҳазалари, таклиф ҳамда истакларини мумкин қадар тўлароқ ҳисобга олиш, жамлаш имконини беради. Бу, пировард натижада, муҳокамага қўйилган Лойиҳани бойитади, уни, демократия, кўппартиялилик ва сиёсий фикрлар хилма-хиллиги негизида янада такомиллаштиради, меъёрига етишини таъминлайди, халқимиз сиёсий фаоллигини оширишга хизмат қилади.

Зеро, халқнинг сиёсий маданияти, фаоллиги— демократиянинг бош кафолатидир. Кишилар партияларга мансаб, имтиёзлар учун кирмайдилар. Партиялар ҳам кишиларга бундай ваъдаларни бермайдилар. Аммо, ўз мамлакатининг, халқининг эртанги ёруғ кунини мумкин қадар тезроқ яқинлаштиришни истаган ҳар бир фуқаронинг уларга кириши ё уларни қўллаб-қувватлаши муҳим ёхуд уларнинг қандай сиёсий—ҳуқуқий заминга таяниб фаолият кўрсатишларига лоқайд, бефарқ қарамаслиги керак. Чунки, бепарволик, лоқайдлик— кўплаб балойи қазоларнинг ибтидоси, айни пайтда, фуқароларнинг ақл-заковатлилиги, жумладан, уларнинг сиёсий фаоллиги — барча салбий, ғайриинсоний иллатларнинг кушандасидир.

Абдулҳафиз ЖАЛОЛОВ,
Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши биринчи котиби.

Миллий иш майдони

ДАШТОБОД – ГУЛЛАЁТГАН ШАҲАР

Мустақиллигимизнинг қутлуғ 5 йиллиги нишонланаётган кунларда Жиззах вилоятидаги навқирон шаҳар — Даштобод шаҳри тарихида яна бир ёрқин саҳифа очилди. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси VI сессияси Даштободга вилоятга буйсунувчи шаҳар мақомини бериш ҳақидаги қарорини катта қувонч билан кутиб олдик.

Шаҳримиз мақомининг юқори поғонага кўтарилгани Даштободнинг бундан кейинги иқтисодий, ижтимоий ва маданий ривожланиши учун, аҳоли турмуш фаровонлигининг ошиши учун муҳим омил бўлишига шак-шубҳа йўқ.

Даштобод — Жиззах вилоятидаги энг ёш, ижтимоий-иқтисодий, маданий ва маънавий қиёфаси эндигина шаклланиб келаётган шу билан бирга мустақиллик туфайли вужудга келган имкониятлардан тўлиқ баҳраманд бўлиб бораётган, кун сайин улғайиб, кучқувватга тўлиб бораётган шаҳардир. Албатта, бу масканда ўзига яраша қийинчиликлар ҳам, муаммолар ҳам жуда етарли. Ҳозирги бозор муносабатларига ўтиш давридаги шарт-шароитлар бундай муаммоларни ўз жойида ҳал этишни тақозо этмоқда.

Шунинг учун шаҳримизда иқтисодий ислоҳотларни янада чуқурлаштиришга , бу борадаги мавжуд имкониятларни тўлиқроқ ишга солишга ҳаракат қиляпмиз. Ҳозирги даврда ҳокимлик олдида турган асосий вазифа — шаҳарни иқтисодий жиҳатдан ривожлантириш, аҳолининг иш билан тўлиқ таъминланишига эришиш, ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш тизимини кенгайтиришдан иборатдир. Бу борада эса ўрта ва кичик бизнесни ривожлантириш, хусусий тадбиркорликни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш муҳим аҳамият касб этмоқда.

Шаҳримизда кейинги пайтда ташкил этилган «Умаржон НК» фирмаси пахта чиқиндисидан нотўқима материаллар ишлаб чиқаришга мослашган. Ундаги асбобускуналар Чебоксаридан келтирилди. Ҳозирнинг ўзида бу корхона 50 кишини иш билан таъминлаш имконига эга бўлди. Иш майдонининг кенгайтирилиши натижасида бу ердаги иш ўринлари 150 тага етказилди. Шаҳардаги пахта тозалаш заводи қошида ташкил этилган халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқарувчи 4 та кичик корхона 66 кишини иш билан таъминлади. Маҳсулотлари вилоятимиздагина эмас, балки республикамизнинг кўпгина жойларида ўз харидорларини топаётган лакбўёқ маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи хусусий корхонада яқин вақт ичида яна 8 хил маҳсулот тайёрлаш йўлга қўйилди. Корхона қошида хизмат кўрсатадиган 2 қаватли катта дўкон ишга туширилди. Даштободликлар учун маиший хизмат идораси ташкил этилди. Аҳолини узоқ вақтлардан буён қийнаб келаётган ичимлик сув таъминоти масаласи бевосита туман ва вилоят ҳокимликлари ёрдами туфайли тўлиқ ҳал этилди. Бундан бир йил аввал шаҳарда 4 та артезиан қудуғи ишлаётган бўлса, ҳозир 12 та артезиан қудуғи ишламоқда. Улуш асосида қурилажак 624 ўринли мактаб биносининг пойдевори қўйилади. 150 кишини қабул қиладиган поликлиника ҳамда 100 ўринли касалхонанинг йил охиригача ишга туширилиши мўлжалланмоқда.

Шаҳримиз саноат ишлаб чиқариши салмоғи жиҳатидан вилоятимизда етакчи ўринлардан бирини эгаллайди. Умуман, туманимиз бўйича саноат корхоналарининг 70 фоизи Даштободда жойлашган. Бу корхоналарда ишлаб чиқарилган маҳсулотлар ҳажми вилоят кўрсаткичининг 11,2 фоизини ташкил этади. 125 дан ортиқ хусусий корхоналар ва 4 та тижорат тузилмаларининг йиллик товар айирбошлаш ҳажми 80 миллион сўмни ташкил этяпти.

Ҳозирда фаолият кўрсатаётган 8 та қурилиш ташкилотида 1,5 мингдан ортиқ киши меҳнат қилмоқда. Аҳолига савдо, маданий ва маиший хизмат кўрсатиш тармоқлари жадал ривожланиб бормоқда.

Қилинаётган бу ишлар шаҳримизнинг кундан кун чирой очиб бораётган жамолида, турмушида, ҳаётида ўз аксини топмоқда. Даштободликлар иқтисодий ислоҳотларни жорий этишда фаоллик кўрсатмоқдалар. Уларнинг келажакка, қилинаётган улуғвор ишлар самарасига ишончлари мустаҳкам.

Ғайрат ЮСУПОВ,
Даштобод шаҳар ҳокими.

«Ўзбекистон овози»га жавоб берадилар

«ДАРСЛИКЛАР ЧОП ЭТИЛЯПТИ, ЛЕКИН...»

Вазирлик газетангизнинг 1996 йил 20 август сонида босилган «Дарсликлар чоп этиляпти, лекин...» сарлавҳали мақоласига жавобан қуйидагиларни маълум қилади.

Ушбу мақола юзасидан Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ва Қорақалпоғистон Республикаси матбуот қўмитаси билан 1996 йил 27 август қўшма ҳайъат мажлисида дарсликлар нашри, таъминоти ва ўз вақтида нашр учун керакли бўлган маблағларни ажратиш масалалари муҳокама қилинди ва тегишли чора-тадбирлар белгиланди.

Барча таълим муассасалари вилоят ҳокимликларининг молия органлари томонидан молиявий таъминланади, ҳозирги вақтда вилоятлардаги иқтисодий қийинчиликларга қарамасдан республика Молия вазирлиги жойларда молия бўлимлари халқ таълими муассасаларига зарур бўлган жамғарма китоблари учун тегишли маблағларни даромад тушишига қараб бўлиб бермоқда.

Бу мақола бўйича вазирлик Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига Қорақалпоғистон Республикаси Молия вазирлиги таълим муассасаларининг жамғарма китобларга зарур бўлган маблағни ажратишга кўрсатма бериш учун мактуб йўллади.

Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазири ўринбосари М. СУЛТОНОВ.

„ОҚ ОЛТИН" хирмонига

Республика вилоятларида пахта тайёрлашнинг бориши тўғрисида 1996 йил 23 сентябргача бўлган маълумот

(режага нисбатан фоиз ҳисобида)

Вилоятлар	бир кунда	мавсум бошидан буён
Андижон	4,56	43,83
Сурхондарё	1,94	43,70
Бухоро	2,95	39,40
Хоразм	2,51	36,76
Навоий	2,39	35,53
Самарқанд	2,42	34,54
Фарғона	3,07	33,62
Қашқадарё	2,42	27,66
Наманган	3,01	22,73
Қорақалпоғистон Республикаси	1,52	19,33
Тошкент	1,91	12,76
Жиззах	1,15	8,21
Сирдарё	1,21	6,64
Республика бўйича	**2,41**	**28,51**
жумладан ингичка толали пахта (тонна ҳисобида)		
Сурхондарё	905	12210
Қашқадарё	200	1524
Наманган	—	—
Республика бўйича	**1105**	**13734**

Яккабоғ туманидаги Амир Темур номли ширкатлар уюшмаси илғор теримчиси Марғуба Раҳмонова.

Муҳаммад АМИН олган сурат.

ТЕМУРНОМА

СОҲИБҚИРОН

Соҳибқирон даврини ёритувчи катта-кичик адабиётларда бобомиз томонидан йирик иншоотлар — саройлар, қасрлар, масжиду мадрасалар, хонақолар, карвонсаройлар қурдирилганлиги ҳақида гап боради. Шунингдек, машҳур боғлар бунёд этилганлиги, шаҳар ва чўнг иморатлар тикланганлиги, йўл-кўприкларнинг тузатилганлиги, янги ариқлар қазилиб, карвон йўлларида сардобалар қурилганлиги, йўллар қароқчилардан қўриқланганлигига доир маълумотларга эгамиз. Лекин Амир Темур умрида ўз оиласи билан, сарой аҳли ва ҳамма соҳа мутахассислари, жуда катта армияси билан қандай уйларда яшаганлигини батафсил ёритувчи махсус адабиётларга дуч келинмайди.

Соҳибқирон ҳаётининг кўп қисмини (3, 5, 7 йиллик урушлар) узоқ даврлар сафарда ўтказганлиги маълум. Урушлардан ғолиб чиқиши билан Самарқандга қайтиб келинаверилмаган. Юлдуз, Қорабоғ яйлов олдидаги истироҳатлар, айниқса Кеш (Шаҳрисабз)да ўтказилган тўй шодиёналари, ош беришлар, элчиларни қабул қилиш пайтида қандай уйлар унга, саройига, хизматкорларига, армиясига қўл келганлиги қизиқарлидир.

Баъзи Европа мутахассислари ярим ҳазил оҳангда ул зотни кўчманчи Жаҳонгир деб ҳам атайдилар. Чунки, у қишин-ёзин иқлими, ер шароити бир-бирига ўхшамаган олис ўлкаларда бутун бошли ўрда-саройи ва армияси билан кўчиб юрган. Шунга кўра, таъбир жоиз бўлса, Соҳибқирон салтанатини маълум даражада кўчманчи-салтанат деб аташ ҳам мумкиндир. Бундай сайёр империя учун кўчиб юрувчи, яъни ўзи билан бирга олиб юрса бўладиган кўчма уйлар керак бўлиши табиий ҳолдир. Инсон яшайдиган, фойдаланадиган уйларни турғунлик хусусиятига кўра кўчмас уйлар, муқим иморатлар ва кўчма-чатма, қўш ўтов-кигиз уйларнинг барча турлари, чодирлар-уйлар туркумига ажратилади. Иморатларни, улар қанча яхши ёки қулай бўлмасин, узоқ сафарларга олиб кетиш, фойдаланиш иложи йўқ. Чунки улар бир жойда муқим туради.

Ўтовлар кенг маънода, чодирлар эса ўзларининг кўчманчи характери билан, шунингдек, жўғрофий, об-ҳаво шароитларига мослаша олиши билан жуда қулайдир. Уларни ҳохлаган пайтда исталган жойга керакли вақтга қадар тикиб фойдаланиш мумкин. Ўтовларни аравалар устига ўрнатиб ҳам яшашган. Улар асосан икки хил табиий ашёлардан ясалади. Суяги — эшик, керага, увиқлар, чанғароқ, енгил, пишиқ дарахтлардан, қопламаси жундан босилган, (оқ, қора) кигизлардан, тўқилган эшилган тасма, арқон-иплардан ташкил топади. Ўтовлар ўз таркибининг табиийлиги туфайли соф ҳаво билан таъминлаб туради. Қуёшнинг ортиқча нури ва чанг-тўзонини, ёмғир ва енгил қор сувларини ўтказмайди.

Аждодларимиз олти минг йил олдин кигиз босишни, икки минг йил олдин эса яқиндан туриб кузатган. Таклиф қилинган қабул хона ва мазкур чодирларнинг ичини қизиқиб кўрган. Чодир уйларнинг ичкари-ташқари, қурилиши, жиҳоз буюмлари билан бевосита танишган тарихий гувоҳдир.

Агар ўн битта қўрғон (қаср)га Соҳибқироннинг ўғиллари, лашкарбошилари, сарой аёнларининг уйлари, оддий фуқаро ва каттакон қўшин аскарларининг бошпаналарини ҳам жамлаб тасаввур қиладиган бўлсак, бу кўчма уйлар жамулжам сайёр салтанатнинг ажойиб ва бой Ўрдаси бўлади. Бу бир неча минг йиллик туркий халқларнинг биргаликдаги муштарак ҳаётида асрлар синовидан ўтган ва қитъалар маданиятининг қоришмасидан вужудга келган бетакрор уймузейнинг Туркистон (Марказий Осиё) вариантидир.

Соҳибқироннинг ўзига хос хазинаси — кўчма Ўрдасини махсус тадқиқот саҳифаларида қиёсий, тарихий жиҳатдан ўрганишга арзийди. Ҳозир эса бобокалонимизнинг 660 йиллик тўйи тантаналарига оз вақт қолди. Баъзи юмушларни бажариб улгурса бўлади, қолганлари эса кейинги тадқиқотларга ҳавола. Қайд этилган сайёр Ўрда ҳақидаги тафсилотларни Клавихо хотираларидан синчиклаб ўрганиш керак. Тарихчи ва элшунос ўтовлар (оддий турлари)ни ясашни ўрганиб олишган. Кўчма уйлар ясаш қадимда чатма, қўш шаклида бўлиб, аввало ўсимликлар, ҳайвон терилари билан қопланган. Кигиз пайдо бўлгач, ундан фойдаланилган.

ЎТОВЛАРИ

Туркий халқларнинг ерга тикилган ёки арава устига тикилган уйларининг кўплиги, улардаги жиҳозлар, безакларининг юқори амалий санъат даражасида бажарилганлиги ўрта аср араб ва Европа сайёҳларини ҳайратга солган.

Соҳибқирон ҳаётини ва кенг қамровли салтанатини кўчма уйлар — ўтов ва чодирларсиз тасаввур қилиш қийин. У Кешдаги бир тўй шодиёнасига фақат меҳмонларга атаб 20 мингга яқин уй ва чодирлар тиктирганлиги маълум. Чодирлар туркий халқлар ҳаётида қадимдан йўлдош бўлиб келади. Испан элчиси Клавихонинг машҳур кундаликларида ёзилишича, бобомиз элчиларни Ўрдадаги ажойиб чодирларида қабул қилган. Демак, испан қироли номидан келган элчи Ўрдада яшаган, қизил, оқ чодирларнинг барчасини олимлар, ўтов, чодирлар бўйича мутахассислар фикрини тўплаб, баъзи ишлар амалга оширилса Амир Темур ҳаёти ва фаолияти, унинг даври ҳамда Ўрдасига доир тушунча ва қарашларимиз тўлароқ, қизиқарлироқ бўлар эди.

Шу ўринда ўзимизнинг айрим таклифларимизни ҳам айтиб ўтмоқчимиз: аввало тўй арафасида Тошкентдаги Амир Темур ва Темурийлар музейи ёнига лойиқ топилган нусхалардан бир-икки уй (ўтов, чодир) тикилиб, умумий кўриниш расм ва панноларда берилса. Шунингдек, Соҳибқирон таваллуд топган Шаҳрисабздаги Оқсарой ёнидаги хушманзара жойга рамзий бўлса-да, ўн битта қасрдан бир нечтаси тикланса. Яна бир мулоҳаза, имкони бўлса қозоқ, қирғиз, қорақалпоқ ва туркман қардошларимиз билан маслаҳатлашиб, кўчма уйлар тайёрланса.

Анварахон ҲАМИТОВА,
филология фанлари номзоди.

Спорт

БИЗ АЛПОМИШ АВЛОДЛАРИМИЗ

ёки жисмоний камолот ҳақида ўйлар

Келажаги буюк давлат барпо этишга аҳд қилганмиз. Хўш, бундай давлатнинг одамлари қандай бўлишлари керак? Орзуманд юрт шарафини кимлар ҳимоя қилади. Беш йилдирки, бутун сайъ-ҳаракатимиз ана шунга қаратилган. Мустақил давлатимизнинг «Соғлом авлод учун» ордени бежиз таъсис этилмади. Дастлабки қонунларимиздан бири эса жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида бўлди. Мақсад — иқтисодий ислоҳотлар мухтасарлигига эришиш билан бирга маънавиятимизнинг устувор йўналишларидан бири ҳисобланган янги авлод кишисини тарбиялашга алоҳида эътибордир.

Зеро, ўтган йиллар юртимизда жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш, оммавийлигини таъминлаш, маҳоратли спортчилар сафини кенгайтириш ва арзигулик ютуқларимиз билан жаҳонга танилишда катта ишлар қилинди, десак муболаға бўлмас. Вакилларимизни Японияда ўтказилган Осиё ўйинларидаги муваффақияти, айниқса, футболчиларимизнинг ғалабаси юртдошларимиз руҳини кўтарди, миллионлар қалбида спортга меҳр уйғотди. Шунингдек, Тошкентда ўтказилган бокс бўйича Осиё чемпионати, Марказий Осиё ўйинлари, Олимпиада ўйинларида иштирок этишимиз, «Олимпия шон-шуҳрати музейи»нинг очилиши, Халқаро олимпиада қўмитасининг президенти Хуан Антонио Самаранчнинг бир эмас, уч марта ташриф буюриши олиб борилаётган ишларимизнинг самарадорлигидан нишона.

Маълумки, теннис дунё бўйича энг оммалашган сервимли спорт турларидан. Айниқса, кичик тўп билан муомала қилиш Овруپо маданиятига хослиги билан кўпчиликда катта қизиқиш уйғотмоқда. Бир қанча вилоят марказларида йирик, халқаро андозаларга мос теннис ўйингоҳларининг барпо этилгани, пойтахтимиздаги ҳавас қилса арзигулик «Юнусобод» кошонасининг кўркамлиги ёшларда теннисга муҳаббат уйғотмоқда. Анъанавий равишда ўтказилаётган «Президент кубоги», «Ҳавас», «Ибрат», «Умид» каби мусобақаларнинг ташкил этилаётгани, Дэвис, Челенжер, «Буюк ипак йўли» каби халқаро мусобақаларнинг уюштирилаётгани болаларимиз завқини оширмоқда.

Соғлом танда соғ ақл, дейишади. Бу ақидага ўтмишда ҳам бобокалонларимиз аҳамият беришган. Халқимиз Алпомиш, Рустами Достон, Гўрўғли каби афсонавий қаҳрамонларга ҳавас қилган ва ўз фарзандларини мард, қўрқмас, чапдаст ва айни пайтда холис ва адолатли бўлиш йўлида тарбиялаган. Ибн Сино саломатлик ҳақида гапириб, жисмоний тарбия билан меъёрида шуғулланиб юрган киши дори дармону, тиббий ёрдамга муҳтожлик сезмаслигини эътироф этган эди.

Жисмоний тарбия ва спорт мушаклар ҳаракати ҳолос, деган тор тушунчадан кечиб, инсон камолотининг асосий омилларидан эканлигини тан олмагунимизча, бу борадаги ниятларимиз тўлиқ рўёбга чиқмас.

Жисмоний тарбия ва спорт уйғун камолотга эришишнинг воситаси экани ҳақида халқ таълими, олий ва ўрта махсус таълими, соғлиқни сақлаш, ижтимоий таъминот, қишлоқ хўжалик вазирликлари ва спорт соҳаси мутахассислари турли йиғилиш, анжуманларда фойдали, мулоҳазали фикрларни илгари сурадилар. Зеро, жисмоний тарбия оиладан бошланиши ҳақида кўпинча ҳам фикр юритмаймиз. Спорт инсон руҳиятида мудраётган қобилият ва сифатларни уйғотиш омили экани ҳақида ўйламаймиз.

Тўғри, болалар боғчалари, умумтаълим мактаблари ва олий ўқув юртларида жисмоний тарбия дастурлари мавжуд. Афсуски, бу ишларнинг самарасидан кўнгил тўлмаяпти. Назаримизда, бундай дастурларни янгилаш вақти етган. Ўқитувчи ва мутахассисларнинг замон талаби асосида малакаларини ошириш ҳам зарур бўлиб турибди. Шунга эришиш керакки, машғулот олиб борувчи ўқитувчими, мураббий ўз касбининг устаси, яъни соҳа мутахассиси сифатида сўздамас амалда ҳам борлигини кўрсатсин. Бўлмаса, машғулотлар зерикарли бўлаверади. Қанийди, ҳар бир болага унинг жисмоний қувватига яраша мос ҳаракатлар қилишига шароит бўлса. Шунда ёшлар спортдан зада бўлмай, аксинча унга берилиб кетардилар.

Мамлакатимизда халқаро, қолаверса, республика миқёсида ўтказиладиган мусобақаларга мослашган спорт иншоотлари қурилмоқда ва таъмирланмоқда. Бу яхши. Моддий базамиз мустаҳкамланяпти. Фақат ўйингоҳлар, спорт саройлари каби масканларга болаларнинг бемалол келиб, машқ қилишларига йўл очиш керак. Шу билан бирга боғча, мактаб қишлоқларда ёшларни спортни истаган тури билан шуғулланиши учун етарли имкониятлар ҳам зарур. Айниқса, маҳаллаларда болаларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказишлари учун шароит яратиб беришнинг аҳамияти катта.

Ёшларимиз спортнинг миллий турларига қизиқадилар. Ҳозир унутилган 300 га яқин миллий ўйинлар ўрганилди. Уларнинг айримлари бўйича ўйин қоидалари ва низомлари ҳам тайёрланган. Фақат мусобақаларни ўтказиш, болаларни жалб этиш ва тарғиб қилиш масаласида суст кашлик бор.

Тарихдан маълумки, Турон юртида болаларни 2-3 ёшидан бошлаб чавандозлик, қиличбозлик, кураш, қалъа ҳимояси, зув, соққа, минди, оқсуяк, бекинмачоқ, чиллак, қовун узатиш, беш тош каби ўйинлар билан шуғулланишларига эътибор қилинган. Бундай ҳаракатлар болаларни чиниқтириш, дунёқарашини кенгайтиришда аҳамият касб этган. Биз ҳам шундай қилайликки юртимиз болалари бугунги сайъ-ҳаракатларимиздан келажакда мамнуният ҳосил қилсинлар.

Шавкат ТЎЛАГАНОВ,
Ўзбекистон Республикаси жисмоний тарбия ва спорт Давлат қўмитаси раисининг биринчи ўринбосари.
Фатхиддин НАСРИДДИНОВ,
Ўзбекистон Давлат жисмоний тарбия институти ректор муовини.

Теннис

БИЛЛУР СОВРИН УЧУН КУРАШ

«Дэвис» кубоги учун кураш тобора оммавийлашиб бормоқда. Теннисчиларимизнинг орзуси — қандай бўлмасин биринчи гуруҳга кўтарилиш эди. Ниҳоят, Тошкентдаги «Динамо» ўйингоҳида уч кун давом этган мусобақада муддатдан олдин ғалаба таъминланди. Бу ютуққа Дмитрий Томашевич ва Олег Огородовлар катта ҳисса қўшдилар. Улар якка ва жуфтлик баҳсларида Таиланд теннисчиларидан устун келишди.

СУРАТЛАРДА: «Дэвис» кубоги учун мусобақалардан лавҳалар.

Суратқаш Муҳаммад АМИН.





СИЗНИ ТУШУНДИМ, ОНАЖОН!

Кўнгил мулки

Янги тикилган оппоқ кўйлагимни шошиб-пишиб кийиб, ойнага қараб, сочимни тарадим. Шу пайт узоқдан карнай овози эшитилди.

— Тез бўл, — деди дугонам Маҳфуза. — Болохонага чиқиб куёвни кўрамиз.

Мен ҳам унинг кетидан болохонага чиқдим. Маҳфуза бу йил биринчи синфга борди. Мен ундан атиги бир ёш кичкинаман. Лекин шунақа ўзини катта тутадики. Худди мендан ўн ёш каттадай муомала қилади.

— Куёв дўппи кийган бўлади, — деди у билагонлик билан.

Карнай-сурнай садосига бир тўда йигитлар ўйин тушиб келишарди.

Ҳақиқатдан ҳам бир кўча йигитлар орасида дўппи кийиб, ерга қараб поччам келардилар. Шунақа хурсанд бўлиб кетдим. Куёвлар уйга кириб кетишгандан сўнг чопиб ойимнинг олдига бориб «Ойи, поччамни кўрдим» дедим. Аммо, ойим кўзларидаги ёшни, рўмолчалари билан артиб, бошларини қимирлатиб қўйдилар.

Менинг эса хурсандчилигимдан асар ҳам қолмаганди. Ёнларига ўтириб ҳайрон бўлдим. «Нега энди ҳамма хурсанд, болалару катталар энг чиройли кўйлакларини кийиб ясаниб юришибди. Онам эса...»

Орадан йиллар ўтиб мен бешинчи синфга ўтганимда иккинчи опамни турмушга узатдик. Эшикдан куёв навкарлар кириб келаётганда негадир ойимнинг биринчи опамни узатгандаги ҳолатлари кўзимга кўринди. Чопиб улар ўтирган хонага кирдим. Бир уй хотин, ойим бир чеккада кўзларида ёш... Мен ҳам ёнларига бориб ўтирдим. Беихтиёр кўзларим намланди. Онам пешонамдан ўпиб қўйдилар. Назаримда мен энди катта қиз бўлиб қолдим, уларга ҳамдарддек тутардим ўзимни...

Кўп ўтмай навбат кичик опамга келди. Тўй яқинлашган сари юрагим увушади. Никоҳ куни ҳамма-ҳамма билан, мен эса бир чеккага бориб йиғлаб ўтирдим. Назаримда, сизнинг изтиробингизни тушунгандай эдим, онажон...

Ўзим узатилаётганимда эса... Қизлар қуршовида ўтирибману кўз олдимда сизнинг маъсум чеҳрангиз... Уйимдан бегоналашиб, бировнинг хонадонига келин бўлиб кетаётиб фикримга бир умр муҳрланиб қолган холатингизни яна ҳам тушунгандек бўлдим...

Кунлар кетидан ойлар, ойлар кетидан йиллар ўтиб бугун ўзим келин бўлиб, турмуш қурганимга ҳам йигирма йил бўлибди. Куни кеча ёлғизгина қизимни турмушга чиқардим. Йўқ, онажон, мен сизни ҳечам тушунмаган эканман. Бугун ҳувиллаб қолган ҳовлимга боқиб, бўш турган кроватига қараб, кундуз кунлари алаҳсиб юраману, кечга бориб хомуш тортиб қоламан. Ўн саккиз йил бағримга босиб, кўз олдимда юрган қизимни бугун бир уйнинг бекаси бўлиб турганидан шукрлар қиламану, онажон, сизни ўйлайман. Тўрт қизингизни тўрт ёнга узатиб, юрагингизни тўртга бўлганмидингиз? Ўша тўй кечаларида севинч ёшлари ила истиҳола, қизингиз яхши келин бўла олармикан, бегона оилада қаддини тутиб кетармикан, деган ҳадик, куёвингиз ўғилдек бўлармикан деган орзу ўтганмиди хаёлингиздан?

Онажон, кўпинча сиздан тез-тез хабар ололмай қолган кунларим, соғиниб эслаган дамларимда юрагимнинг бир чети ачишиб турарди. Қандай қилиб бўлса ҳам тезда бориб, дардингизга малҳам бўлгим келади... Бугун қизим ҳақида ўйласам юрагимнинг яна бир учи ачишмоқда. Бу нимадан? Оналик меҳриданми, муҳаббатиданми? Шуларни ўйлаб яна сизга тўзим тилагим, қордек оппоқ сочингизни силаб бағрингизга бошимни қўйиб, йиғлагим келади. Ахир, мен сизни энди тушунолдим, онажон!

Мая ОБИДОВА.

Хорижда

ҚЎШМА КОМИССИЯ ТУЗИЛДИ

АҚШ билан Украина ўртасида ўзаро ҳамкорликни кенгайтириш билан шуғулланадиган қўшма комиссия тузиш тўғрисидаги шартнома имзоланди.

Мазкур комиссияга Украина Президенти Леонид Кучма ҳамда АҚШ вице-президенти Альберт Гор раҳбарлик қилади. Шартнома бўйича йилда бир марта кенгаш ўтказилиб, сиёсий ва иқтисодий ислоҳотлар жараёнининг бориши муҳокама этилади.

ҲАРБИЙ МАШҚЛАРДА ИШТИРОК ЭТАДИ

АҚШ Президенти Билл Клинтоннинг қарорига биноан, Форс кўрфазига юборилиши лозим бўлган 3500 кишилик ҳарбий қисмнинг биринчи гуруҳи — 200 та ҳарбий хизматчи Қувайтта келди.

Оммавий ахборот воситаларининг хабар қилишича, бу ҳарбий қисм Араб Амирликларида ўтказиладиган Америка-Қувайт ҳамкорлигидаги ҳарбий машқларда иштирок этади.

ҚИДИРУВДАН НАФ ЧИҚМАДИ

Канада полициячилари мамлакат Бош вазири Жана Кретенанинг қароргоҳида юз бериши мумкин бўлган террорчилик ҳаракати билан боғлиқ қидирув ишларини бошлади.

Маълум бўлишича, 18 сентябрь куни полиция сержанти Майк Год бу ишдан хабар топган ва ҳуқуқни ҳимоя қилиш органларини огоҳ этган. Бироқ текширувларда Бош вазир қароргоҳидан биронта портловчи қурилма топилмади.

Полициянинг хабар қилишича, кўпорувчиликка уринган кишининг исми маълум, лекин у ҳозирча ҳибсга олинмаган.

АНЪАНА БУЗИЛАДИГАН БЎЛДИ

Виржиниядаги ҳарбий институтда 157 йиллик анъанага барҳам берилди. Эндиликда бу ерга аёллар ҳам қабул қилинадиган бўлди. Яқинда бўлиб ўтган олий суд мажлисида ҳарбий коллежга аёлларни ҳам қабул қилиш мумкин, деган қарорга келинди.

ЧЕРКОВДА ЁНҒИН

Айни пайтда черковларда ёнғинлар кўпаймоқда. Бунга қарши Президент Клинтон 62 та федерал гуруҳ ташкил этди. Айни пайтда қора танлилар сиғинадиган черковларда 102 та ёнғин ҳоллари юз берди. Бунда оқ танлилар гумон қилинмоқда. Оқ танлилар борадиган черковларни эса қора танлилар ёқиб юборяётганликлари маълум бўлди.

ШИМОЛИ-ШАРҚЛИК ОТА-ОНАЛАР ХАРАЖАТИ КЎПАЙМОҚДА

АҚШнинг шимолий шарқида яшайдиганлар ўз даромадларини рўзғордан ортириб жамоат коллежлари ва университетларига ўтказишга мажбур бўлишаётир. Масалан, ўтган йили улар ўзларининг ўғил-қизлари билим олишлари учун ўз даромадларининг тўққиз фоизини давлатга тўлашга мажбур бўлишди.

ДАРОМАД ТОПИШДАГИ ФАРҚ ОШЯПТИ

АҚШдаги компьютер маркази яқинда 1980 ва 1995 йиллар оралиғида турли давлатларда даромаднинг қандай ўсиб бораётганлиги ва унинг қандай фарқи борлигини ҳисоблаб чиқди. Масалан, турли вилоятларда ва йирик шаҳарларда, жумладан, ҳарбий шаҳарларда ҳам даромаднинг ўсиб бориши ҳисобга олинди. 1990 йилдан бошлаб одамлар даромади ўсиб боришидаги фарқ 1980 йилга нисбатан ўсганлиги маълум бўлди.

Агар сиз...

ҚАЙ ЙЎСИНДА ЎҚИЙСИЗ

Инсон феъл-атворини аниқлашда руҳшунослар турли кузатишлар олиб боришган. Қай ҳолатда ухлайсиз, қайси овқатни яхши кўрасиз, қанақа рангни танлайсиз, кўпроқ тушингизда нималарни кўрасиз... Тури кўп. Мутоала қилиш ҳам одамнинг ички дунёсини очиб бераркан.

Руҳшунос олим Раджер Дандресснинг фикрича: Агар сиз газетани бошидан-охиригача ўқисангиз, демак, фаҳм-фаросатли, янгиликлар қилишга ошуфта, камдан-кам зерикасиз, яхши яшашни биласиз.

Газетани охирги бетидан бошлаб ўқисангиз: Эркин фикрловчи, ҳаётга зийрак кўз билан қарайсиз. Эркинликни ёқтирасиз, вақт тиғизликни хушламайсиз.

Суратларга диққатингизни қаратсангиз:

Демак, кузатувчан, ўта зийрак, зеҳнли, атрофдагиларга диққат билан разм солувчи одамсиз.

Ўзингизни қизиқтирганларнигина ўқисангиз:

Қатъий иродалисиз. Вақтингиз қадрига етасиз. Саломатлик, турли кийиниш, қизиқ воқеа-ҳодисалар кўпроқ қизиқтиради.

Мабодо газетани очган заҳоти турли шов-шувлар, аралаш-қуралаш мавзуларга ўч бўлсангиз. Машҳурликни ёқтирасиз, шунга интиласиз. Ҳаёлан бургутдек мағрур парвоз қиласиз.

Тематик эълонлар диққатингизни жалб қилса, чуқур ўйловчи, келажакни олдиндан кўра билишга интилувчан инсонсиз. Ҳаётингизни эзгуликка буришга жон-жаҳдингиз билан уринасиз, фойдали тижоратдан баҳра олишни ҳоҳлайсиз. Сиз фавқулодда қобилиятлисиз.

" ЎзДЭУавто "ҳақиқатга айланган афсона!

БУЮК КЕЛАЖАК САРИ ДАДИЛ ҚАДАМ

Азиз ватандошлар, Асакада, "ЎзДЭУавто" заводида ишлаб чиқарилаётган "ДАМАС", " ТИКО" русумли енгил автомашиналар Сизнинг харидингизни кутмоқда ! Автомобилларнинг "энг афзал томонларидан бири ёнилғини бошқа машиналардан деярли 3 баробар кам сарфлашидир. "ДАМАС" ва "ТИКО" 100 км. йўлга бор-йўғи 4,3 литр бензин сарфлайди. Ўзингиз фараз қилинг, бир хил қуйилган ёнилғи билан бошқа бирон машинада Сиз Тошкентдан Самарқандга етиб борсангиз, "ДАМАС" ва "ТИКО"да Тошкентдан Хивагача боришингиз мумкин.

UZ-DAEWOO
UZ-DAEWOO AUTO CO.

"ТИКО"- сиртидан салони кенг машинадир!

Демак, иқтисодий самара ва ихчам кўринишда ишлаб чиқарилган ўзимизнинг "ДАМАС" ва"ТИКО"ларни харид қилган маъқулдир!

У узоғингизни яқин қилади, оилангизда ҳар кунингизни хурсандчиликка айлантиради.

Келинг, дидингизга манзур рангини ўзингиз танлаб олинг!

Базаларимизда турфа ранглар жилосидаги, барча қулайликларга эга "ДАМАС" ва "ТИКО"лар Сизга мунтазир!

Унутманг, автомобиллар Ўзбекистон ҳудудида бир хил нархда сотилади.

"ДАМАС" - оилавий сайр-саёҳатга, бозор-ўчарга жуда мос!

Автомобилларни "ЎзДЭУавто Ко."нинг расмий вакили "Ўзавтотеххизмат" акционерлик жамиятининг Тошкентдаги ва барча вилоят бўлимларидан сотиб олишингиз мумкин.

Барча саволларингиз билан қуйидаги телефонларга мурожаат қилишингиз мумкин:
54-77- 71, 54 -47 -78, 58 -33 -59, 79- 49 -60. факс: 55- 47 -15

Тошкентдаги манзиллар: Ш Абдуллаев кўчаси 4-уй
Сирғали "Ўзавтотеххизмат" АЖ — Масон кўчаси, 39 -уй.
Тошкент "Ўзавтотеххизмат" АЖ — Халқлар Дўстлиги, 118 -уй.

Бош муҳаррир
Азим СУЮН

Таҳрир ҳайъати

Абдулла ОРИПОВ,
Абдулҳафиз ЖАЛОЛОВ,
Азиз НОСИРОВ,
Одилжон ОЛИМЖОНОВ,
Ислом ШОҒУЛОМОВ,
Шуҳрат ЖАББОРОВ (бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари),
Аслиддин БОЛИЕВ (бош муҳаррир ўринбосари, «Осиё бозори» учун масъул),
Владимир ЧЕБОТИН (бош муҳаррир ўринбосари — «Голос Узбекистана»),
Алимқул СУЛТОНОВ (масъул котиб — «Ўзбекистон овози»),
Александр ТЮРИКОВ (масъул котиб — «Голос Узбекистана»).

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ
ГОЛОС УЗБЕКИСТАНА

МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

БЎЛИМЛАР:

Мафкура ишлари ва партия ҳаёти — 33-07-20, 36-33-40.
Парламент фаолияти ва ҳуқуқ — 33-11-49, 36-54-06.
Иқтисодиёт — 33-21-43, 36-57-22.
Фан ва маданият — 33-07-20, 36-33-40.
Хатлар ва оммавий ишлар — 33-76-04.
Ахборот ва спорт — 33-12-56, 36-55-16.
Халқаро ҳаёт — 33-47-80.
Реклама ва эълонлар — 33-38-55, факс — 33-79-14.

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:

Андижонда — 24-26-48;
Бухорода — 3-54-87;
Гулистонда — 25-16-22;
Жиззахда — 3-31-86;
Навоийда — 3-75-43;
Наманганда — 6-43-43;
Нукусда — 7-58-83;
Самарқандда — 35-22-90;
Тошкентда — 33-12-56;
Урганчда — 6-51-35;
Фарғонада — 22-36-78;
Қаршида — 3-25-79;
Қумқўрғонда — 5-26-24.

МАНЗИЛИМИЗ:

700000, ТОШКЕНТ, МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32-УЙ.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси.

Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Навбатчи муҳаррир Н. ЖАЛИЛ, навбатчи О. БЕКМУРОДОВА.

Рўйхатдан ўтиш тартиби №00120

Газета офсет усулида А—2 форматида 26.845 нусхада босилди

Ҳажми 2 босма табоқ

«Ўзбекистон овози» материалларини кўчириб босиш фақат таҳририят рухсати билан амалга оширилади.

Г — 0492

Босишга топшириш вақти — 21.00. Топширилди — 21.00.

1 2 3 4 5 6.

СОТУВДА ЭРКИН НАРХДА

"АЗИЯ-ОИЛ-ЭКОГЕОТ" компанияси

пул ўтказиш йўли билан
Голландиянинг АИ-95, Қозоғистоннинг А-80, А-91 бензинини, дизель ёнилғисини (Қозоғистон) СОТАСИ

Шунингдек, уларни сақлаш ва қуйиб бериш хизматларини ҳам кўрсатади. Кенг турдаги **автошиналар ва аккумуляторлар,** *Финляндиянинг* **15 W 40** *мотор мойи, Хитойнинг паркет линолеуми ҳам мавжуд.*

Манзил:
Тошкент, Пушкин кўчаси, 59.("ЎзНИИПРОЦВЕТМЕТ") I-қават, "Ҳамид Олимжон" метро бекати
Телефонлар: (3712) 68-56-41, 68-16-41, 36-00-45.

СП «ИНМАРК» предлагает:

- кафель-евростандарт
- сантехника
- ванны обычные и с гидромассажом
- двери и окна деревянные со стеклом
- кухонные и ванные гарнитуры



г. Ташкент, ул. А.Кадыри, 78.
Тел: (3712) 44-81-92, 44-81-93, 44-09-24
Факс: 89-16-48

СП «ИНМАРК» продает высококачественную мужскую обуви производства Турции.
Цены конкурентноспособные.
г. Ташкент, ул. А. Кадыри. 78.
Тел: (3712) 44-81-93, 44-81-92.

Инсон хотираси азиз

ҒОФИРЖОН ЁДИ

Қўйлагим қип-қизил...
Афғон, қир — алвон...
Йиқилдим, баданим ўқларга тўлиқ.
Сен мендан рози бўл, тобутда товлан
Энам сандиғида қолган чимилдиқ!

Яқин орада бунақа дардли, фарёд билан тўла, таъсирчан шеърни ўқимаган эдим.

Афғон жанги ҳақида, азиз суяклари ўша ёқларда қолган ёки мажруҳ бўлиб қайтган ўзбек йигитлари ҳақида матбуотимизда кўп ёзилди ва ёзилади ҳали. Зеро, бу оғриқ ёзган билан босилмайдиган оғриқ, на ёзиб адо қила оласан, на йиғлаб...

Ғофиржон Салимов асл йигитлардан эди. Паҳлавон, меҳнатда чиниққан, фидойи. Кўрган қизнинг кўнглига гулгула оралаб қоларди.

Афғонга кетди. Жанг қилди. Кўкраги орден, медалларга тўлиб қайтди. Бироқ бошидан яраланган эди, вақти-вақти билан оғриқ тутиб қолар, еру осмон ўртасида бир йигит даҳшатли оғриқ билан яккама-якка қоларди. Қийин эди Ғофиржонга, ҳаддан ташқари қийин эди, ҳеч ким ёрдам беролмасди, беролмади ҳам...

Ғофиржон шу оғриқ билан кураша-кураша, гоҳ енгиб, гоҳ оғриқларга чидаб, тишини-тишига босиб яшади. Шунчаки яшадигина эмас, ҳаётда ўз ўрнини излади, пойтахтга келди, ҳужжатларини у-бу даргоҳларга топширди, ўқишга тайёрланди. Шундай кунларнинг бирида...

...У орамиздан кетди.

Уни афғон жароҳати, урушда орттирган ўша даҳшатли оғриқ орамиздан юлиб кетди. Бир томонда Хурсаной опа оҳ тортиб қолди, бир томонда Тенглаш ака. Бир томонда Темиржон «укалаб» фарёд қилди, бир томонда бўйсара қизлар. Кейин Ғофиржон ҳақида туман газетасида бир саҳифа мусибатнома битилди. Кейин, ўзи ўқиган Толстой номидаги 59-мактабда пионер дружинасига Ғофиржоннинг номи берилди.

Булар эски замонда эди. Олти йил муқаддам бўлиб ўтган эди.

Шундан бери замон ўзгарди, Ғофиржон! Сен севган юрт, шу азиз Ўзбекистонимиз мустақил бўлди! Энди Ватанимиз дунё билан бақамти туриб мулоқот қилмоқда. Ҳозир тирик бўлганингда эди, шуҳрати тобора ошиб бораётган муқаддас Ўзбекистоннинг бўйбастини, кўриб нечоғлиқ қувонган бўлур эдинг, белингни боғлаб озод Ўзбекистоннинг обрўси, шаъни учун деб ишга киришиб кетган бўлардинг. Афсус!..

Бироқ, Ўзбекистон сени, сенга ўхшаб бевақт ҳазон бўлиб кетган фарзандларини ҳеч қачон унутмайди. Ҳар баҳорда, қирларда лолалар унганда, ҳар бир дақиқада сиз азиз фарзандларни маҳзун туриб эслайди...

Алқисса. Мен сенинг номингда кўчалар, мактаблар, ўқув ва меҳнат ўринлари бўлмоғини, сенинг хотирангга бағишлаб ҳар хил тадбирлар ўтказилиб турмоғини истайман, Ғофиржон! Зеро, марҳумлар хотираси бизда муқаддас саналади. Бу ҳақда сен туғилиб ўсган юрт Қўшработ тумани раҳбарияти ўйлаб кўради, деган умиддаман!

Қўйлагим қип-қизил...
Қалбда зўр армон,
Йиқилдим юртимнинг қучоқларига.
Алвидо! Унутма, жон Ўзбекистон,
Сингиб кетдим сенинг тупроқларингга!

Музаффар АҲМАД.

Ташкилот, муассаса ва корхоналар раҳбарлари, хусусий фирма соҳиблари ҳамда пойтахтимиз фуқаролари

ДИҚҚАТИГА!

Сиз давлат мулкини, жамоа ва шахсий бойликларингизни кўз қорачиғидек асрашни, турли содир этилиши эҳтимоли бўлган жиноятларнинг олдини олишни истасангиз, корхонангиз ҳамда хонадонларингиз ишончли қўлларда бўлишни хоҳласангиз Тошкент шаҳар ИИББ ҳузуридаги Қўриқлаш бошқармасига мурожаат қилинг!

Жорий йилнинг саккиз ойлик натижаларига кўра, ходимларимиз томонидан 382 та жиноят фош этилди. Шунинг натижасида халқимизнинг милицияга бўлган ишончи кундан-кунга ортмоқда. Қўриқлашга қабул қилинган объектлар ва марказлаштирилган қўриқлаш пультларига уланган хонадонлар сони кўпаймоқда. Чунки биз қўриқлашга қабул қилинган ташкилот ва хонадонлар учун

КАФОЛАТ БЕРАМИЗ!

Ҳамшаҳарлар, вақтни қўлдан бой берманг. Биз Сизларнинг осойишталигингизни таъминлашга, нопок кимсалар йўлига ғов бўлишга астойдил

ХИЗМАТДАМИЗ

Биз билан шартнома тузиб, ҳеч қачон ютқазмайсиз.

Манзилимиз: Миробод тумани, Клара Цеткин кўчаси, 58.
Телефонлар: 55-73-08, 56-62-88, 56-51-88, 56-60-55.

BAT
BRITISH-AMERICAN TOBACCO

АГАР СИЗГА ИШ КЕРАК БЎЛСА...
АГАР СИЗГА ЖИДДИЙ ИШ КЕРАК БЎЛСА...
АГАР СИЗГА БАРҚАРОР ИШ КЕРАК БЎЛСА...
АГАР СИЗГА ЯХШИ ҲАҚ ТЎЛАНАДИГАН ИШ КЕРАК БЎЛСА...
Унда Сиз ЎЗБАТ АЖ. ҚКга ишга келинг

Компания қуйидаги мутахассисликлар бўйича юқори малакали кадрларни ишга қабул қилмоқда:
- техник-механик
- электрон жиҳозлар созловчиси

Бунинг учун:
ёшингиз 35 дан ошмаган бўлиши,
Махсус ўрта ёки олий техник маълумотга эга бўлсангиз
Сиз "Бритиш-Американ Тобакко" компаниясининг энг яхши ўқув марказларида ўқишга тайёр бўлсангиз.
Сиз жаҳон андозаларига мос даражада ишлашга тайёр бўлсангиз.
Сизни қўлга олинадиган 3500 сўмлик бошланғич иш ҳақи қониқтирса

СИЗНИ АЖОЙИБ КЕЛАЖАК КУТМОҚДА!
ВА ЯНА...

Танловдан муваффақиятли ўтган номзодларга Тошкент тамаки фабрикасида, ҳамда янги қурилаётган Самарқанд сигарет фабрикасида иш таклиф қилинади.

Бунинг учун...
Компаниянинг ҳамма филиалларидан олишингиз мумкин бўлган анкетани тўлдиринг.
Тўлдирилган анкеталар ўрганиб чиқилганидан кейин бир ой муддат ичида номзодлар суҳбатга таклиф қилинади.

Тошкент ш.	Самарқанд ш.	Ургут ш.
Носиров кўч. 77,	Рудакий кўч. 150	Навоий шох кўч. 10
Тошкент тамаки фабрикаси	Самарқанд тамаки-ферментация заводи	Ургут тамаки-ферментация заводи

Мамлакатнинг Буюк келажаги сари қадам ташланг!

БУ - ОСОН - ҚУЛАЙ - ФОЙДАЛИ !

"ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ" газетасининг "ОСИЁ БОЗОРИ" иқтисодий-ахборот, реклама иловаси маркетинг ва реклама соҳасида ўзини синаб кўрмоқчи бўлган ҳамюртларимизни шартнома асосида

ИШГА ТАКЛИФ ЭТАДИ.

Манзил:
Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Телефонлар:
33-79-14, 33-54-55.